

ШАРТНОМА №160

“12” сентябрь 2022й

Фаргона ш.

ООО “AZZA MED» (кейинги уринларда «Сотувчи» деб аталади) номидан рахбар Юсупов Х.Х. биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи ФЖСТИ рахбари Сидиков А.А. (келгусида “Харидор” деб аталади) ўрталарида қуйидаги мақсадларда тузилди.

1. Шартнома предмети.

- 1.1. «Сотувчи» «Харидор»га қуйидаги маҳсулотларни етказиб беради:
- 1.2. Мазкур шартноманинг умумий қиймати 144 000 000 сўмни (ҚҚС билан) ташкил қилади.
- 1.3. Маҳсулотлар қуйидаги ассортиментда етказиб берилади:

№	Маҳсулот номи	Ул.б	Миқдор и	Нархи	ҚҚС 15%	Суммаси (ҚҚС билан)
1	Светильники операционные	шт	1	473913074.35	7108695,65	54500000
2	Столы операционные	шт	1	48695652,17	7304347,83	56000000
3	Большой набор инструментов хирургический	кт	1	29130434,78	4369565,22	33500000
	Жами:					144 000 000

2. Ҳисоб-китоб шартлари.

- 2.1. Олинган маҳсулотлари учун келишилган нархда ҳисоб-китоб қилинади.
- 2.2. «Сотувчи» маҳсулотни етказиб бергандан сўнг, узаро солиштирув далолатномаларига асосан, етказиб берилган маҳсулот қиймати учун «Харидор» га пул ўтказиш йули билан тўловни амалга оширади. “Харидор” олдиндан 30% гуловини амалга оширади, ҳамда “Сотувчи” шартномада курсатилган маҳсулотларини тўлиқ етказиб бергандан сўнг, “Харидор” маҳсулотларини текшириб тулик қабул қилгандан сўнг 10-кун ичида тулик ҳисоб-китоб амалга оширилади.
- 2.3. Маҳсулотлар учун нарх узаро келишилган ҳолда белгиланади. Бунда ўша кунга ҳудуддаги ўртача бозор нархлари, консалтинг фирмалар ҳулосалари асосида тақдим этилган нархлар асос қилиб олинади. Агар Давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлари натижасида етказиб берилган маҳсулотларига белгиланган нархлар юкори деб топилса, Ушбу фарқ «Сотувчи» зиммасидан қопланади.

3. Маҳсулот етказиб бериш.

- 3.1. «Сотувчи» шартномада белгиланган маҳсулотларни иловадаги тақсимотномага асосан бюджет муассасаларининг манзилгоҳларига белгиланган муддатларда етказиб беради

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

- 4.1. «Сотувчи» «Харидор» томонидан юборилган вакил, муассаса рахбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган, ҳамда юмалоқ муҳр босилган ишонч қоғози курсатгандан сўнг маҳсулот беради.
- 4.2. «Сотувчи» маҳсулотни сифатини тасдиқловчи ҳужжат (мувофиқлик сертификати ва хоказолар) ларга асосан маҳсулотни жойларга етказиб беришга қафолат беради.
- 4.3. «Сотувчи» ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилишини ўз зиммасига олади ҳамда маҳсулотларни сектор қошида белгиланган таркибдаги тузилган сифат комиссияси далолатномаси ва эҳтиёж тақсмотига асосан Харидор манзилгоҳига етказиб беради.
- 4.4. «Харидор» шартномада курсатилган маҳсулотни сифати талабга жавоб берган ҳолатдагина уни қабул қилиб олади.
- 4.5. «Харидор» қабул қилиб олган маҳсулотни шартнома талабларига номувофиқлигини аниқлаган ҳолда, «Сотувчи»га ёзма далолатнома (АКТ) юборади, ҳамда сифатсиз деб топилган маҳсулотни “Сотувчи”га қайтариб беради.
- 4.6. «Сотувчи» «Харидор»га унинг ишонч қоғозидида қайд қилинган маҳсулотлар беради. Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»нинг ишонч қоғозидида курсатилмаган маҳсулотларни, ёки маҳсулотларни ишонч қоғозидида белгиланган миқдоридан ортиқ берган ҳолларда, бу маҳсулотлар учун “Харидор” томонидан ҳақ тўланмайди,
- 4.7. «Сотувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз ёки сертификатсиз маҳсулотларлар етказиб берилса, бу маҳсулотлар «Сотувчи»га қайтариб берилади ёки бу маҳсулотлар учун ҳақ тўланмайди.
- 4.8. «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа курсаткичларини курсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ расмийлаштириши шарт. Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

5. Жарималар қўлланилиши.

- 5.1. Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз, ёки сақлаш муддатлари ўтиб кетган маҳсулотларни етказиб келган ҳолда «Харидор» «Сотувчи»дан бундай маҳсулотларнинг умумий қийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида курсатиб ўтилган суммасининг 50 % дан ошмаган ҳолда жарима қўллаб қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2. Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»га белгиланган маҳсулотлар белгиланган муддатларида етказиб келмаса, «Сотувчи» муддати ўтган маҳсулотларни умумий қийматини 0,5% ҳар бир муддати ўтган куни учун «Харидор»га жарима тўлайди.

5.3. Жарималар тўланиши «Сотувчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6. Шартнома муддати.

6.1. Шартнома ҳар иккала томон имзолагандан ва Ҳазначилик бўлинимаси томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

6.2. Шартномадаги белгиланган маҳсулотларни етказиб бериш муддати шартнома имзолангандан сўнг 30 кун

6.3. Шартномадаги белгиланган маҳсулотларни етказиб берилгандан сўнг етказиб берилган маҳсулотларнинг тўловини амалга ошириш муддати 2022 йил 31 декабргача.

6.4. Шартнома томонлар келишувига асосан, «Сотувчи» томонидан етказиб берилган маҳсулот «Харидор» томонидан сифатсиз деб топилганда ва «Сотувчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1; 4.2; 4.3-бандлари бажарилмаганда шартнома «Харидор» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Бекор қилинганилиги тўғрисида «Харидор» "Сотувчи"га ёзма равишда асосларни келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

7. Форс-мажор ҳолатлари.

7.1. Шартнома буйича тарафлар ўртасида пайдо бўладиган барча низолар келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокара йули билан, ҳал қилиб бўлмаса Иқтисодий судлар орқали ҳал этилади.

7.2. Табиий офатлар, уруш ва оммавий тартибсизликлар сабабли шартнома шартлари бажарилмаса томонлар мулкий жавобгарликдан озод этилади.

8. Қўшимча шартлар.

8.1. Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро ҳал қилинади. Ўзаро ҳал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Респуб.ликаси қонунларига асосан Иқтисодий судлар орқали ҳал қилинади.

8.2. Шартнома икки нусхада тузилиб, ҳар бир нусхаси тенг юридик кучга эга бўлиб, томонларда бир нусхадан сақланади.

8.3. Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томон келишилган ва шартномага қўшимча битим имзоланган ҳолда қонуний деб ҳисобланади.

«СОТУВЧИ»	«ХАРИДОР»
	Харидор: "FARG'ONA JAMOAT SALOMATLIGI"
	Манзили: "TIBBIYOT INSTITUTI"
	Тел: Farg'ona sh. Yangi turon 2a-uy. Tel/Fax: 73 243-06-62
	х-в: Shx:40091086030401709100054004
	СТИР: STIR:202600504 OKNX:92110
	Хисоб варақ: X/r 23402000300100001010
	МФО 00014 XKKM Markaziy bank Toshkent shahar BB
	Марказий Банк Тошкент ХККМ
	Модля Вазирлиги Ҳазначилиги
	Раҳбар: Сидиков А.А.



Директор *А.А.* *Х.Х. Сидиков*

Адрес: *23402000300100001010* *Сидиков А.*



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Фарғона жамоат саломатлиги
тиббиёт институти ректор

А.А.Сидиков

12.09.2022 йил

Фарғона ш.

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти томонидан 30.08.2022 йил кунги лот №22110012145036 билан операционный стол ва бошқалар сотиб олиш бўйича давлат харидлари порталига қўйилган эълон якуни бўйича йиғилиш

БАЁНИ №14

Қатнашдилар: Э.Джораев - Ишлар бошқармаси бошлиги
Н.Азаматова - Бош ҳисобчи
Р.Юлдашева - Молия бўлими бошлиги
Б.Казаков - Комплеанс назорат тизимини бошқариш бўлим бошлиги
У.Ирискулов - Техник назоратчи
Н.Комилов - Бўлим бошлиги
Ш.Мамасолиев - Бўлим бошлиги
З.Мамадалиева - Ҳисобчи

Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:

1. ООО AZZA MED
2. Super Star Medical Health "МСНҲ"

Йиғилишда, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар баҳолангандан сўнг 2 иш кунини мобайнида муҳокамада бўлган. Ушбу муддат ичида иштирокчи корхоналар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади. Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўтказилган энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган ғолиб иштирокчи ООО AZZA MED хусусий корхонаси билан шартнома имзолансин ҳамда энг яхши таклифни танлаш натижалари ҳақидаги маълумотлар (йиғилиш баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш махсус ахборот порталига жойлаштирилсин.


Ушбу қарорни бажарилишининг назорат қилиш комиссия раиси зиммасида қилирилсин.

Комиссия аъзолари


Э.Джораев

Н.Азаматова



У.Ирискулов



/Н.Комилов




Б.Казаков



/Ш.Мамасолиев

Р.Юлдашева



Йиғилиш котиби:

З.Мамадалиева